

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ХАРИД КОМИССИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Дилшода Абдалимова, Наргиза Асадова, Уктам Аминов

Тошкент давлат иқтисодийёт университети СБИ- 84 гуруҳ талабалари

Аннотация: ушбу мақолада уставида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банкларида давлат харидларини танлаш ва тендер орқали амалга оширишда харид комиссияларини ташкил этиш тартиби ва механизми ёритилган.

Калит сўзлар: корпоратив буюртмачи, энг яхши таклифларни танлаш, тендер, танлаш ва тендер комиссиялари, комиссия баёни, комиссия қарори.

Харид комиссияси - харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш чоғида давлат буюртмачиси томонидан шакллантириладиган, ушбу тартиб-таомилларни ўтказиш тартибида шакллантирилиши талаб этиладиган коллегиял орган. Харид комиссияси ишининг асосий мақсади харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича холис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашдан иборат.

Тижорат банкларида ташкил этилган харид комиссиялари банк хузурида фаолият кўрсатадиган, давлат буюртмачисининг тегишли қарорлари билан шакллантириладиган ва тарқатиб юбориладиган органдир. Харид комиссияси тоқ сонли аъзолардан иборат бўлади, унинг аъзолари таркиби ва сони харид қилиш тартиб-таомилларининг турига боғлиқ бўлади ҳамда қонунчиликка мувофиқ ва олинаётган товарнинг (ишининг, хизматнинг) хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ўзгартирилиши мумкин. Харид комиссияси аъзолари холис бўлиши ва харид қилиш тартиб-таомили ғолибини танлашдан шахсан манфаатдор бўлмаслиги керак.

Тижорат банкларида ташкил этилган харид комиссиясининг ишига раис раҳбарлик қилади, у харид комиссияси мажлисларини чақиради ва олиб боради, овозга қўйишни ва харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қилади, шунингдек харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолайди. Харид комиссияси раиси йўқлигида унинг вазифаларини ўринбосари бажаради. Харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган масъул котиби ташкил этади.

Тижорат банкларида ташкил этилган харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок

этишдан бош тортиши мумкин. Харид комиссиясининг раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас. Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари ҳозирлигида юзма-юз ўтказилади. Юзма-юз мажлислар видеоконференциялар (телеконференциялар ва хоказо) шаклида ўтказилиши мумкин.

Тижорат банкларида ташкил этилган харид комиссияси энг яхши таклифларни танлашни ва тендерни электрон шаклда ўтказиш чоғида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз бериш ҳуқуқига эга.

Тижорат банкларида ташкил этилган харид комиссияси давлат харидларининг предметидан келиб чиққан ҳолда, ўз фаолиятини амалга ошириш учун экспертларни, шунингдек бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва давлат буюртмачисининг юқори турувчи ташкилоти мутахассисларини жалб этиш мумкин. Ваколатли орган вакилини бошқа давлат буюртмачисининг харид комиссияси таркибига киритишга йўл қўйилмайди.

Тижорат банкларида ташкил этилган харид комиссияси тўғри шакллантирилиши учун давлат буюртмачиси масъулдир. Харид комиссияси қарори харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда харид комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз бўлади.

Тижорат банкларида ташкил этилган комиссияси аъзоларида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўриб чиқилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда харид комиссияси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Агар харид комиссиясига мазкур комиссия аъзосининг аффилиланганлиги мавжудлиги тегишли масала юзасидан қарор қабул қилингунига қадар маълум бўлиб қолган бўлса, унинг ўзи эса ўзини ўзи рад этмаган бўлса, бундай аъзонинг мазкур масала бўйича овоз беришига йўл қўйилмайди. Агар харид комиссиясига тегишли масала бўйича овоз берган мазкур комиссия аъзосининг аффилиланганлиги мавжудлиги қарор қабул қилинганидан кейин маълум бўлиб қолган бўлса, бундай аъзонинг овози мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташланади.

Тижорат банкларида ташкил этилган харид комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

- харид қилиш ҳужжатларини келишади;
- таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

- таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;
- таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;
- зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;
- харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;
- дастлабки малака танловини ўтказиши, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;
- зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;
- зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади;
- харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширади;
- харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга оширмаган деб топади.

Тижорат банкларида ташкил этилган харид комиссияси давлат харидлари ижрочисини аниқлаш тартиб-таомилларининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги, ўзи қабул қилаётган қарорларнинг асослилиги ва беғаразлиги учун жавобгар бўлади.

Тижорат банкларида ташкил этилган харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди. Тижорат банкларида ташкил этилган харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар банк ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари учун мажбурийдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ваҳобов А, Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. Тошкент, "Iqtisod-moliya. 2008.
2. TS Malikov, O Olimjonov. Moliya - O 'quv qo 'llanma. T.: "Iqtisod-moliya, 2012
3. Ваҳобов АВ, Маликов ТС. Молия. Дарслик/Тошкент Молия институти. Тошкент: "Шарқ. 2010;804.
4. Malikov T, Haydarov N. Budget daromadlari va xarajatlari. O 'quv qo 'llanma, Toshkent: "IQTISOD-MOLIYA. 2007.
5. Malikov T, Byudjet HN. O 'quv qo 'llanma. Toshkent: "Iqtisod-moliya. 2008;84.
6. У Уроков, Ф Сулаймонов. Значение электронного обмена информацией в деятельности хозяйствующих субъектов и вопросы его совершенствования. Экономика и инновационные технологии, 2014

7. Urokov UY. QR Chinkulov Legal basis of improvement of public procurement in Uzbekistan." . International Finance and Accounting" magazine. 2017(8).
8. У Ўроқов, УШ Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби.- Science and Education, 2023
9. U Urokov. THE IMPORTANCE OF PROCUREMENT MODELS IN THE EFFECTIVE ORGANIZATION OF PUBLIC PROCUREMENT.- IMRAS, 2023
10. Uchkun Urokov. PECULIARITIES OF IMPLEMENTATION OF PUBLIC PROCUREMENT IN UZBEKISTAN THROUGH THE AGREEMENT PROCEDURE. JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT. 2023
11. N Tashmatova, U O'roqov. XALQARO TASHKILOTLAR VA DAVLAT XARIDLARINI TARTIBGA SOLISH: OSHKORALIK VA SAMARADORLIKKA YO 'LI.- Talqin va tadqiqotlar, 2023
12. Zarnigorxon Fazliddin qizi Nuritdinova, Uchqun Yunusovich O'roqov. DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA JANUBIY KOREYA TAJRIBASI VA YASHIL DAVLAT XARIDLARINING TUTGAN O 'RNI. - SCHOLAR, 2023
13. Уроков УЮ. Чинкулов^ Р. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг ҳуқуқий асослари.«Халқаро молия ва ҳисоб» журнали. 2017.
14. Urokov UY, Shodmonov E, Bobobekova D. Government procurement management. T.-2022.
15. Urokov UY. Issues of improving the public procurement system in Uzbekistan. TMI, December. 2014;13.
16. Urokov UY. Issues of increasing the volume of electronic purchases in the state procurement system. TMI, May. 2021;20.
17. Urokov UY. Public procurement system: yesterday and today." . Market, money and credit" magazine. 2018(8).
18. Ўроқов У. Улутбек Шарипжон Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби. Science and Education. 2023.
19. О'роқов УY. Davlat xaridi. O'quv qo'llanma. T.:«Nihol print» ОК. 2022.
20. Ўроқов У. Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари. 2014
21. Ўроқов У. Давлат харидлари тизимида электрон харидлар ҳажмини ошириш масалалари.“. InЗамонавий молиянинг миллий ва халқаро долзарб масалалари”. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТМИ 2021.
22. Уроков УЮ, Чинкулов КР. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг ҳуқуқий асослари.«. Халқаро молия ва ҳисоб» журнали. 2017.

23. Хайдаров Н. Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солик муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иктисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2003.
24. Т Маликов, Н Хайдаров. Давлат бюджети. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2007
25. N Khaydarov. International experience of the development of tourism in Uzbekistan. - Интеграция. Эволюция. Устойчивость: пути ..., 2021

